




ТОШКЕНТ

Газета 1997 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
спёсий газетаси

№ 95 (8.985)

1997 йил

18 август, душанба

Сотувда эркин нархда



Ўзбекистон Мустақиллигининг олтин йилмиги олғудан

Анъаналаримиз

МАҲАЛЛА КУНИ

Илгари хабар берганимиздек 16 август куни пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида биринчи марта шаҳар маҳалла кун бўлиб ўтди.

Богнинг асосий дарвозаси олдида янграётган карнай-сурнай садолари остида шахримиз маҳаллалари оқсоқоллари, фаоллари ва бошқа ҳамшаҳарларимиз кириб кела бошлашди.

«Маҳалла кун» тадбирини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Жалилов кириш сўзи билан очиб, бугун кунда маҳаллаларнинг жамиятимиздаги туган ўрни, уларнинг мавқеи тобора юксалиб бораётгани хусусида сўзлади. Сўнгги режага кўра ўтказилган курик-танловларнинг ғолибларини эълон қилиш бошланди. Махсус тузилган ҳакамлар хайъатларининг ҳулосасига кўра «Намунали маҳалла» курик-танловида Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо маҳалласи биринчи ўринга лойиқ топилигани эълон қилинди ва маҳалла оқсоқоли Олимжон Нурматовга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ёрлиғи ва пул мукофоти топширилди.

«Намунали маҳалла оқсоқоли» курик-танловида ғолибликни кўлга киритган Яқсарой туманидаги Бошлик маҳалласи оқсоқоли Исмомил Курбоновга ҳам ёрлик ва мукофот топширилди. Кейин «Намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси» курик-танловининг ғолиби деб Бектемир туманидаги Бинокор қўрғони маҳаллалари хотин-қизлар кенгашининг раисаси Барно Иброҳимова эълон қилиниб, у ҳам ёрлик ва мукофот билан тақдирланди. Сўнгга «Энг намунали маҳалла тадбиркор аёли» курик-танлови ғолиблари эълон қилинди. Биринчиликка икки ўрин берилган бўлиб, ҳакамлар хайъатининг ҳулосасига кўра унга Акмал Икромов туманидаги «Фармед» хусусий фирмасининг

бош директори Дилором Тошмухамедова ҳамда Собир Раҳимов туманидаги «Машхура» фирмасининг директори Маш-

рик бўлиши улар ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.



• **Ҳосият ЗОКИРЖОНОВА, Мирзо Улуғбек туманидаги 6-худудий маҳаллалар хотин-қизлар кенгаши раисаси:**

— Менга айниқса курик-танловларнинг ўтказилиши маъқул бўлди. Чунки улар одамларни меҳнатга, изланишга қўлайди, уларда ижодкорлик ҳиссини уйғотди. Бу жуда муҳим, чунки халқимиз орасида истеъдоди намоён этилмаётган одамлар, хусусан, «Ўзбекистоннинг Мария Лопеси» ҳали кўп.

• **Абдор ХОТАМОВ, Чилонзор туманидаги 1-Катта Чилонзор маҳалласи фукароси:**

— Мен ҳозир маҳалла деган маскан дунёда фақат бизнинг халқда борлигини яна бир бор ахтариб турибман. Бундай тадбирларга ҳажимий мамлакатлардан ҳам меҳмонларни таклиф этиш, бу билан маҳалла маскани нима эканини уларга кўрсатиш лозим.

Мурод РАҲИМОВ, СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кун»да ғолибликни кўлга киритганлар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 5 МАРТАДАГИ «БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 82-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқариш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Тошкент шаҳри бозорларида бажарилишини ўрганиб чиқиш натижалари жойларда мазкур қарор ижроси қоникорсиз аҳволда эканини кўрсатди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва давлат мулкни бошқариш органлари бозорлар ва ярмаркалар негизида тузилган ошқ турдаги хиссдорлик жамиятларини ташкил қилишда юзакчиликка йўл қўйган. Хиссдорлик жамиятлари номини тузилган, жамият аъзоларида мулкка эгаллик ҳисси уйғотилмагани сабабли аксарият бозорларда акцияларнинг 6-10 фоизигагина сотилган ҳолос.

Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва солиқ органлари ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик ва қатъийсизлик билан ёндошлари оқибатида бозорлардан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишлари қатъий назоратга олинмаган. Улар айрим ҳолларда бозорлардаги моддий жавобгар шахслар билан бирлашиб кетганлар.

Бозорларда сотувчилар, деҳқонлар ва харидорлар учун қўлай шароитлар яратилмаган. Махсулотларни улгуржи харид қилишга, ихтисослашган бўлимлар мулкка фаслият қўрсатмапти. Улар томонидан махсулот этиштирувчилар билан шартномалар, шу жумладан фьючерс шартномалари тузиш ишлари қоникорсиз аҳволда. 1996 йилда 3231 тонна махсулот учун тузилган шартномалар бўйича амалда фақат 124 тонна махсулот олинган. Шунинг оқибатида бозорларда қишлоқ хўжалик махсулотларининг нархи юқориликча қолмоқда, олиб-сатарлар яққа ҳуқуқрон бўлиб қолганлар. Бозорларда порахўрлик, таъмағирлик, фэйриқонуний валюта операцияси, мансабни суиистеъмол қилиш каби ҳуқуқбузарликлар мавжуд.

Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги рўй бераётган бундай салбий ҳолатларга муросасозлик қилиб келганлар, уларга қарши амалдаги қонунлар асосида кескин чора-тадбирлар қўрмаганлар.

Санитария-эпидемиология ходимларининг масъулиятсизлиги, қатъийсизлиги оқибатида бозорларнинг деярли барчасида санитария ҳолати талабга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳар, туманлар ҳокимликлари бу борадаги ишларни ўз холига ташлаб қўйганлар. Шу соҳа кадрларини танлаш, жой-жойига қўйишга бефарқ муносабатда бўлганлар. Бозор тизимининг раҳбарлик лавозимларига кадрларни қўйишда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйилган.

Худди шундай аҳвол республиканинг деярли барча вилоятлар бозорларида ҳам аниқланган.

Ўқоридигиларга асосан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаговга Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқариш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тула таъминланмаганлиги, озиқ-ов-

қат ва буюм бозорларини тартибга солиш, бозорларда савдонини ташкил этиш, шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик махсулотлари билан таъминлаш, соҳа кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин ва бу масалаларда туман ҳокимларининг жавобгарлиги кўриб чиқилсин.

Бозорлар фаолиятини бошқаришда йўл қўйган ҳато ва камчиликларни учун «Тошбозорсавдо» уюшмасининг раиси Ш. Абдуллаев ва шаҳардаги 11 та бозор хиссдорлик жамиятлари раисларининг эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганликлари инобатга олинсин.

Бир ой муддат ичида бозор тизими раҳбарлари ва махсулот ходимлари фаолиятини қўриб чиқиб муносиб кадрлар ҳисобига тўлдирилсин.

2. Бош вазир ўринбосари М. Усмоновга ушбу қарорнинг бажарилишини етарли назорат қилмаганлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бозорлари фаолиятларида вуҷудга келган вазиятни ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Республика Прокуратураси (Б. Муратов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (В. Чжен), Республика бош санитария врачси (Б. Ниёматов) қарорнинг бажарилишини таъминлаш, бозорлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва турли қонунбузарликларнинг олдини олишнинг қатъий чораларини қўриб чиқиб, уларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилсин.

4. Республика Солиқ қўмитаси (В. Беганов)га бозорлардан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, солиқ органлари ходимларининг масъулиятини ошириш чораларини белгилаш топширилсин.

Бир ой муддат ичида бозорлар фаолиятини назорат қилувчи маҳаллий солиқ органлари ходимларининг масъулиятини қўриб чиқилиб чора қўрилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда юзага келган салбий оқибатларни қисқа муддатларда бартараф қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилишини тула таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари таъкидлансин.

6. Республика Президенти Давлат маслаҳатчилари, ташкилий-кадрлар сиёсати ва назорат инспекцияси раҳбари хизматларининг мазкур масала юзасидан тайёрланган маълумотномасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига қўриб чиқиб, тегишли чоралар белгилаш учун юборилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 15 август.

Спорт

ПРОФЕССИОНАЛ РИНГДА ҲАМ КУЧЛИМИЗ

Истиқлол бизга юртимизда нафақат профессионал бокс баҳсларини уюштириш, балки ана шундай спорт турининг моҳир усталарининг етишиб чиқишига ҳам имкон яратди.

КЕЧА

ишқибозлар билан тулган Санъат саройида Мустақиллигимизнинг 6 йиллигига бағишлаб ўтказилган профессионал бокс бўйича биринчи халқаро турнир давомида фикримиздан ана шундай ҳаёллар ўтди.

Дарҳақиқат шу кун Санъат саройида

том маънода байрамона руҳ ҳукм сурди. Ўзбекистон Республикаси профессионал бокс федерацияси раиси, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов учрашувнинг барча иштирокчилари ва ишқибозларини байрам турнири билан табриклаб, уни очиб деб эълон қилгач, энг кучлилар рингда чиқишди.

Дастлаб 72,575 килограммгача ўрта вазнда ҳамшаҳримиз Мирзохид Жиянов Беларусь Республикаси вакили Андрей Бурневич билан куч синишди. Бунда Мирзохиднинг тажрибаси катталиги кўл келиб ўзининг 20 ёшли рақибини биринчи раунднинг ўзидаёқ техник нокаутга учратиб, соф галабага эришди.

76,204 килограммгача бўлган супер ўрта вазнда Рихсвий Шомирзаев (Тошкент) россиялик Александр Тищенко билан беллашди. Бу учрашувда ҳам 24 ёшли ҳамшаҳримиз кучли аниқ зарбалардан сўнг унинг рақибни биринчи раундда нокаутга учради.

Энг охири 58,967 килограммгача вазнда эса тошкентлик Фарход Арслонов олмаотлик Пол Тузиде устидан 3:0 ҳисобида ғолиб чиқди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



Мамлакатимиз Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон кўшиқ байрами санъатсевар халқимиз юрагига ўчмас из қолдириб, ниҳоятга етди.

Шарқда машъал, келажик буюк дийрим, Тупроғи олтин, тоғлари садаф, Ўзбекистон ўзинг жаннат, тенгисиз заминда, Ўзбекистон яшайвер обод.

КЕЧА

мухташам Халқлар дўстлиги саройида Президентимиз Ислам Каримов Фармонида кўра мамлакатимизда ilk бор катта кўшиқ байрами бў-

либ ўтди. Унда Ўзбекистон кўшиқ байрами танлов ғолиблари ва санъат усталари иштирок этдилар.

Байрамни Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Республика ўқувчилар саройининг хор жамоаси «Мустақиллик лолаларимиз» кўшиғи (Н. Назруллаев шеъри, Р. Абдуллаев мусикаси, иккинчи мукофот) билан бошлаб берди. Жажжи болажонларимизнинг жарангдор ва ширали овозлари, жўшқин мусика садолари санъат шинавандаларини тўлқинлантириб юборди. Курик-танлов ғолиблари Норали Алланазаров ва фольклор этнографик дастаси (Сурхондарё вилояти, биринчи мукофот) ижро этган «Ватанимни куйлайман» (Н. Алланазаров шеъри, халқ куйи), Ички кўшинлар бошқармаси «Турон юлдузлари» дастаси (Ички ишлар вазирлиги, иккинчи мукофот) ижро этган «Мардона-мардона» (П. Мўмин шеъри, У. Ҳамдамов мусикаси), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

«ХУР ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН»



Кумуш Раззоқова («Ўзбекистон» гастроль-концерт бирлашмаси, иккинчи мукофот) ижросидаги «Ўзбекистон» кўшиғи (Ж. Жаборов шеъри, Д. Омонуллоев мусикаси), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Кенесбой Сержанов ижро этган «Яшна она Ватаним» (Қорақалпоғистон Республикаси, учинчи мукофот, Н. Назруллаев шеъри, Э. Кайтаров мусикаси) каби

Зиёвуддинов шеъри, К. Зайритдинов мусикаси) кўшиғи, Рустам Мамадалиевнинг «Ўзбекистоним» (И. Сулаймон шеъри, А. Асқаров мусикаси), Наманган вилояти, учинчи мукофот) ҳамда Эркин Кайтаров ижро этган (Самарқанд вилояти, учинчи мукофот) «Самарқандим» (Н. Назруллаев шеъри, Э. Кайтаров мусикаси) каби

Ватан ҳақидаги бири-бирдан гузал кўшиқларни томошабинлар кизгин кутиб олдилар.

Муҳташам саройида миллий анъаналаримизни, асрий кадриятларимизни улғурчи, Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат туйғуларини билан йўғирган жонажон диёримиз ва бунёдкор элимизга бахшида этилган жозибали кўшиқлар янгради.

санъаткорларига бор. Шу оқшом қуйланган Ватанин мадҳ этувчи кўшиқлар тингловчилар оқибига сазовор бўлди. Бу эса кўшиқ байрами яхши анъаналар билан қилинган далолат беради.

Кечада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизжўаев иштирок этдилар.

Байрам тантанасини Нодира Аҳмадбекова ва қонферт иштирокчилари «Ўзбекистон» кўшиғи билан якунладилар.

Биз ушбу кўшиқ байрами хусусидаги дил сўзлари билан ўртоқлашимизни унда иштирок этганлардан илтимос қилдик:

• **ФАТТОХОН МАМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон халқ ҲОФИЗИ, ҳайъат аъзоси:**

— Ҳаёт, тириклик бор экан турли хил наво оҳангларида солиниб айтилаверади. Бу — аввало она Ватан ҳақидаги кўшиқлар. Шу вақтгача бу ўлмас мавзуга бағишлаб қўйлаб кўшиқлар яратилган. Бугун Ватан ҳақида янги кўшиқлар янгради. Халқимизнинг ёш истеъдодлари кашф этилди.

Шу кўшиқлар орқали томошабинлар Ватанимиз Ўзбекистоннинг қанчалар бепоён ва улғуворлигини яна бир бор қалбдан хис этган бўлсалар ажаб эмас.

• **НОРАЛИ АЛЛАНАЗАРОВ, курик-танлов ғолиби:**

— Бу кунги қувончининг чеки йўқ. Шундай мухташам сарой сахнасида ғолиб бўлиб кўшиқ айтишини ўзи бир бахт. Бугун мен шу бахтда туриб, элимиз, юртимиз ҳақида баралла кўшиқ айтиш бахтига муяссар бўлдим. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан...

Бу каби дил сўзларини кеча давомида санъаткорлар ҳам, томошабинлар ҳам кўп такрорладилар. Биз эса бугун яхши ниятлар билан яна бир улкан санъат байрамига яқун сақди. Кўнгли очик элнинг ризки ҳам бутун бўлади деганларидек, танти Ўзбек элнинг байрамлари ҳали олдинда.

Мамура РЎЗИЕВА, СУРАТЛАРДА: кўшиқ байрами тантаналаридан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Президент Ислам Каримов мамлакатимизга келган АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди. Америкалик юқори мартабали меҳмон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра «Маҳаллий саноат» худудий саноат-савдо концернлари негизда жойларда «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компаниялари ташкил этиладиган бўлди.

• Тошкентда Ҳаво флотига бағишлаб авиация-спорт байрами ўтказилди. Унда Бош вазир Ўткир Султонов қатнашди.

• Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ташкил этилган очик типдаги хиссдорлик жамияти шаклидаги «Ўзмевасабзавтовиносаноатхолдинг» холдинг компаниясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда компаниянинг Низоми, бошқа меъёрий ҳужжатлари тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди. Аввалги «Ўзмевасабзавтовиносаноат» уюшмаси раиси лавозимида ишлаб келган Баҳром Носиров холдинг компанияси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

• Янгийўл туманида 25 минг тонна пахтани Фарбнинг замонавий машина-ускуналари ёрдамида қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги пахта тозалаш заводи ишга тушди.

• Навоийда минтақа корхоналарида экспортга мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган махсулотлар кўргазмаси ўтказилди.

• Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон туманининг хушманзара Юсупхона қишлоғида болаларнинг анъанавий «Чорвоқ-97» экологик фестивали ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Москвада Россия ва Чеченiston президентлари Борис Ельцин билан Аслан Масхадов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Россия Хавфсизлик кенгашининг котиби Иван Рибкин билан Чеченiston Бош вазирининг ўринбосари Мавлуди Удугов ўртасида Москвада кеча кунли билан ўтказилган музокарага қарамадан президентлар учрашуви кун тартибидан асосий масала — Россия ва Чеченiston муносабатлари хусусида бир фикрга келинмади. Маълумки, Чеченiston Россия билан давлатлараро дипломатик муносабатлар ўрнатилишини талаб этмоқда. Россия эса, табиийки, бунга рози эмас.

• Тожикистон ҳукумат қўшинлари исёнкор полковник Махмуд Худойбердиев бригадаси жойлашган Қўрғонтепа атрофидаги қишлоқларга тўлғардан зарба беришни давом эттирмоқда. Мамлакат маъмурлари исёнкор полковникнинг 50 нафардан кўпроқ зобит ва аскарлари ҳукумат қўшинлари томонига ўтганлигини маълум қилдилар. Айни пайтда Душанбеда қуроли тўқнашувлар бошланиши ва ушбу моҳоро ҳозиргача давом этишининг бош сабабчиси — собиқ боҳжона қўмитасининг бошлиғи Ёқуб Салимовнинг 500 нафар атрофидаги қуроли тарафдорлари Махмуд Худойбердиев бригадаси аскарларига қўшилиш учун Қўрғонтепа томон келаётганликлари ҳам хабар қилинди.

• Исроил-Фаластин муносабатлари тобора чигаллашиб кетмоқда. 30 июлда Қуддусдаги бозорда иккита бомба портлатилиши оқибатида 15 нафар исроиллик ҳалок бўлганидан сўнг Исроил амалда Фаластин мухториятини қамал қилди. Исроил маъмурлари, шунингдек, Фаластиннинг банклардаги 40 миллион доллар пулини ишлаштиришга рухсат бермай ҳам қўйдилар. Шу муносабат билан Фаластин раҳбари Ёсир Арофат бугундан эътиборан бирин-кетин Исроилда ишлаб чиқилган махсулотлар бойкот қилинишини билдирди. Исроил-Фаластин муносабатларини нормаллаштириш учун бу ерга АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним йўл олмоқда.

• Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси Тоғли Қорабоғда 1 сентябрга мўлжалланган президент сайловларини ноқонуний, деб тоғди. Комиссия фикрича, бундай сайловлар барча қочқоқлар ўзларининг уйларига қайтиб келганидан сўнггина ўтказилиши мумкин.

• Кеча АҚШ Поттида Грузия чегарачиларига иккита қўриқчи кемани ҳада этди.

• Белоруссияда Россия жамоатчилик телевиденисининг яна 4 журналисти Белоруссиянинг Литва билан чегарасидан ноқонуний равишда ўтганлиқда айбонлиб, ҳибсга олинди.

• Алматыда Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор аёлларининг анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон тадбиркор аёллари ҳам иштирок этган ушбу учрашувда хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

• Кеча яқинда учирилган «Прогресс» юк кемасини «Мир» орбитал станцияси билан космонавтлар томонидан қўлда бошқариш йўли билан тўлатириш имконияти бўлмади. Бугун ана шу тўлатиришни автомат тарзда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

— Хусниддин ака, бугунги кунда корхона неча фоиз маҳсулотини жаҳон бозорига чиқаришди?

— Менимча бу саволга жавоб беришга бироз эрта. Мухтарам Президентимиз бу йилни бежиз Инсон манфаатлари йили деб эълон қилмадилар. Шундай экан келинг яхши, гапни шундан — ишчиларга яратилган шароитдан бошлайлик. Зеро сиз юқорида баён этган маҳсулотимизнинг дунё бозори юзини кўраётганлиги ҳам биринчи навбатда ишчи ва хизматчиларимизнинг меҳнатига ва уларга қилинаётган ғамхўрлик самарасига боғлиқ.

— Кечирасиз. Балки бу ҳам эскича фикрлашнинг таъсири бўлса керак. Биз ҳамisha гапни режанинг қандай бажарилишидан бошлашни ўрганиб қолган эдик-да.

— Ҳозир жамоамизда уч мингдан ортиқ одам ишлайди. Уларнинг барчасига хотирхона ишлашлари учун шароит яратилиши ўзи бўлмайди. Биз ҳамisha икки-та ҳақиқатга амал қилишга ҳаракат қиламиз. Биринчидан, ишчи-хизматчиларни иш билан таъминлаш ва меҳнат ҳақларини ўз вақтида беришни асосий вазифа деб биламиз. Иккинчидан, корхона маҳсулотни харидоргир бўлиб, маҳсулот турлари янгиланиб турилса, ишчиларнинг меҳнат ҳақлари кўтарилаверади. Ишчиларга рағбатдан ташқари кўнгилли ҳордик олишлари учун ҳам шароит яратилган бўлиши керак.

Ҳозир корхонамиз қосида бир нечта дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Сирдарё бўйида дам олиш оромгоҳимиз бор. Шанба ва якшанба кунлари жамоамиз билан шу ерда ҳордик чиқарамиз. Ангреннинг Лошқари қишлоғида дам олиш ўйимиз ишлаб турибди. Бу ерда бир йўла 80 киши 12 кунлик йўланма билан соғлигини мустаҳкамлаши мумкин. Хондайликда 500 ўқувчиға мўлжалланган «Зилола» спорт-соғломлаштириш мажмуамиз ишлаб турибди. Бу ерда ҳар йили жамоамиз ўғил-қизларидан ташқари Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган ўқувчилар ҳам дам олишади. Иккита боғчамизда ишчи ва хизматчиларимизнинг кичкинтойлари тарбияланибди. Бундан ташқари корхонамиз қосидаги 75 ўришли шифохона ва поликлиника куну тун жамоамиз хизматига.


— Бозор иқтисодиёти тўб ўзгаришларни талаб қилапти. Янгиланиш интилиб ишлаш кунимизнинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

— Ҳозир янгиланиш интилимасдан, изланмасдан бўлмайди. Лекин янги маҳсулотнинг моделини яратган билан янги технология жорий этилмасча ҳам бўлмайди. Шунинг учун аввало дастгоҳларни, ускуналарни янгиллаш керак бўлади. Буни назарда тутиб, корхонамизда АҚШ ва Италия фирмаларида ишлаб чиқилган ускуналарни ўрнатиб ишга туширдик. Ил охиригача яна битта технология ускунани Италиядан олиб келиб ишлатиш ниятимиз бор. Янги дастгоҳларнинг ҳосиласини кундан-кунга ошиб бораётган экспорт маҳсулотининг ҳажмидан ҳам билса бўлади.

Шунингдек, Германиянинг «Сименс» ва Италиянинг «Да-Анжеле» фирмалари билан технология жараёнлари янги тадбирлар киритиш бўйича иш олиб бораёмиш. Минг бор ашитгандан кўра бир бор кўрган ахшироқ. Юринлар, мен сизларга АҚШ технологияси ўрнатилган цехимизни кўрсатай...


Цехга кириб худди ўзимизни бирон бир металлургия корхонасига бориб қолгандек ҳис этдик. Ташқаридаги кўёш ҳарорати ҳам гапми. Белгиланган иссиқлик даражасидан лаққа чўғга айланган йўғон симлар худди олов мисол конвейер йўналиши томон кетиб бормоқда. Энди у навбатдаги жараёни бошдан кечиради. Хуллас тайёр маҳсулот ҳолатида катта галтакка келиб тушгунча «онадан тугма» бўлади. Дастлаб бизни ҳайратга солган нарсаси шундай юксак ҳароратли цехда одамлар қандай ишларкин, деган савол бўлди. Кўп ўтмай саволга жавоб ҳам топилди. Зиналардан юқорига кўтарилиб кабинга кирдик. Мўтадил ҳаво танамизга ҳузур бағишлади. Ҳайрон бўлиб ҳаммага бирма-бир тикилдик. Кейин билсак бутун цехдаги жараёнлар шу ердан бошқарилаётган экан. Рўпарага ўрнатилган телеэкран бошқарувчини ҳамма нарсасдан хабардор этиб туради. Энг муҳими шундай катта қудратли техникани ёки цехдаги барча юмушларни асосан пультада ўтирган бир кишига-на бошқариш бизни ҳайратга солди. У ҳам бўлса электрон-дастурли машина ишини кузатади, ҳолос. Биз буни чиндан ҳам мўъжиза, деб атагимиз келди. Ахир оддий бир мис пластинкаси кўз ўнгимизда бир неча жараёни ўтаб тайёр маҳсулотга айланиб турса, ақлли машина уни рисоладагидек бошқарса буни ўзгача яна қандай аташ мумкин? Цехни қуввати бир йилда 75 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўлчанар экан. Агар бир тонна кабелнинг умумий баҳоси 2800 доллардан 3,5 минг долларгача ўлчанадиган бўлса умумий ҳисобни чиқариб олиш унча қийин бўлмас керак.

— Хусниддин ака, назаримизда энди биринчи саволимизга жавоб берадиган вақт



етиб келган кўринади.

— Корхонамиз бугун республика учун керакли бўладиган кабел маҳсулотининг 80 фоизини етказиб беради. 2 минг турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Биринчи ярим йилда умумий маҳсулотимизнинг 71 фоизини жаҳон бозорига чиқардик. «Ўзбеккабель» тамғаси туширилган маҳсулот ҳеч ерда туриб қолмайди, доим қўлма-қўл. Шу ўринда бир нарсани



маҳсулот сифатини янада ошириш, экспорт ҳажминини кўпайтириш долзарб вазифа бўлиб қолди. 1997 йил натижалари ҳисобида битта 200 сўмлик акцияга 232 сўмдан дивиденд берилмоқда. Корхонани ҳиссдорлик жамиятига айлантиришнинг яхши томонларидан бири шуки, бошлиқнинг яққолонлиги йўқотилди. Давлат, жамоа олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ошди. Бизни ҳисса-

Тажриба

УЧДАН ИККИСИ — ЭКСПОРТГА



Яқинда Вазирлар Маҳмасида 1997 йил биринчи ярми якунларида бағишланган мажлисда корхоналарнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришнинг муҳимлигига алоҳида эътибор берилди.

«Ўзбеккабель» ҳиссдорлик жамиятида бу соҳада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Мухбиримизнинг жамият бошқарувининг раиси Хусниддин Тожиев билан суҳбати ҳам шу мавзуда бўлди.

айтиб қўяй. Ҳамдўстлик ва чет эл давлатларида ҳам кабел маҳсулотлари етарли даражада ишлаб чиқарилади. Лекин бизнинг маҳсулотга тобора эҳтиёж ортиб, жаҳон бозоридан ўз ўрнини топиб бораёпти. Бунинг боиси маҳсулот сифати, нархи, унинг ўз вақтида етказиб бериш хизмати ва бошқа талаблар юқори савияда бўлиши. Шу ўринда бир рақам келтирай. Масалан, корхона шу йилнинг биринчи ярми давомида жаҳон бозорига ўзининг 6,5 миллион долларлик маҳсулотини сотиб улгурди. Бундай натижага замонавий асбоб-ускуна ва илгор технология билан жиҳозланган корхонага эришиши мумкин.

— Корхона шахримизда биринчилардан бўлиб давлат ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди. Бунинг натижаси қай даражада кўринапти?

— Янги усул корхона ишчи ва хизматчиларда мулкка эга бўлиш ҳиссиётини уйғотди ва мулкдорлар шакллана бошлади. Йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, турлари кўпайди. Меҳнат интизоми, хом ашёни тежаб ишлатиш масалалари юқори-

дорлик жамиятимизда назорат кенгашининг раиси, раис ўринбосари ва кўпчилик аъзолари бошқа ташкилот вакиллари. Бу ташкилотлар жамоамизнинг яхши ишлашига хайрихоҳдилар.



Маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш устида иш олиб бораётган эканмиз, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни барча кўрсаткичлари бўйича Фарб мамлакатларидаги корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққословчи жадвал тузиб олдик. Қомил ишонч билан айтманки, асосий тайёр маҳсулотларимиз физик-механик кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозаларига тўғри келмоқда. Лекин баъзи бир кўрсаткичлар бўйича масалан маҳсулотнинг қадоклаш, белгиларини тамғалаш бўйича ҳали бирмунча ишлар қилишимизга тўғри келади...

50 гектар майдонни эгаллаган корхона билан танишишимиз давом этди. Ҳар бир цех ўзига яраша бир олам, бир корхона. Олди гул ва гулзор, озода, соя-салқин йўлкалар тоза қилиб суғуриб-сидирилган. Бирон ерда ҳатто гугурт чўли ҳам



дан эмас, иш жойининг ўзидан меҳнат жамоалари томонидан ҳал этиладиган бўлди. Бошқарув билан шуғулланувчи бўлимларимизнинг сони кескин камайдди. Бир мисол. Корхона раҳбарининг ўринбосарлари олдин 8 та бўлса, ҳозирги кунда учтага келтирилди. Хуқуқий шартномалар, молия, ташқи алоқалар, маркетинг бўлимлари ташкил этилди. Барчамиз учун

кўринмайди. Шундай йирик корхонадаги бу тартиб чиндан ҳам ҳавас қилса арзигулик. Чинқиндиларни қайта ишлаш цехига кирдик. Бу ерга асосан Швеция ускуналари ўрнатилган. Улар чинқиндиларга қайта ишлов беради. Умуман корхонада қичитсиз маҳсулот ишлаб чиқарилади. Цех бошлиғи Салим Аҳмедов ўз ишининг мо-



хир устаси. Унинг қўл остидагилар «тежамкорлар» деб ном олишган. Аслида улар фақат тежамкоргина бўлиб қолмай, балки маҳсулотга қайта жон бағишловчилар ҳамдир. Чунки бу ерда эски-туски, қирқим-қийқим кабеллар қайта ишланади. Цехга ўрнатилган техника аниқ маромда ишлашини айтмайсизми. Аслида у чинқиндиларни сара маҳсулотга айлантириб беради. Бу ерда ҳам барча жараён техника кучи билан бажарилади. Унинг бошқарув-чиси асосан бир киши.

Агар ўйлаб кўрилса бундан уч йил олдин қолоқлар даражасига тушиб қолган корхона қисқа муддатда фақат қаддини тиклабгина қолмай, балки илгорлар даражасига чиқиб олиши, унинг янги технология билан тўла қўролланганлиги ҳайратга сойма қолмайди. Холисонилло айтганда Тошкентимизнинг манаман деган корхоналари жаҳон бозорини орзу қилиб юрган бир даврда 71 фоиз маҳсулотни четга долларга сотаётган корхонанинг ишидан қувонмай бўладими. Яна асосий мақсад маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини оширишдан иборат қилиб қўйилса...

— Ҳозир хорижга маҳсулот чиқишини кўзлаб иш юритаётган корхоналар кўп. Мутахассис сифатида айтинг-чи, нега ҳа дегадана уларнинг йўли жаҳон бозори билан туташа қолмаяпти?

— Ҳамма гап нишонни аниқ мўлжалга ола билишда. Лекин биласиз баъзан энг моҳир овчилар ҳам ўқни тўғри нишонга уролмай қоладилар. Қўли қалтираб кетади, нега? Чунки тўсатдан унинг хаёлига «ра оламсам-а?» деган иккиланиш келиб қолади. Шубҳа-ғумон бор жойда ҳеч қачон нишон аниқ олинмайди. Мўлжални кўзлаб интилавасан, интилавасан. Лекин самараси кўрсинмайди. Бу гапдан тегишли хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Шу ўринда бир нарсани айтиб қўяй. Жаҳон бозорига фақат сифатли маҳсулот билан чиқиш мумкин. Агар бугун кийган пойабзалнинг эртага ёлғизлиб, йиртилиб турса, кеча кийган кўйлагингиз икки кун ўтмай сидирибolib турса қандай қилиб жаҳон бозори ҳақида гап бўлиши мумкин? Бу мутахассислар, ишчилар малакасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун жамоамизда 15 нафар мутахассисни АҚШда малака ошириши учун маблагни аямдик.

— Дебитор-кредитор қарзлар муаммоси жамиятда қандай ҳал этиляпти?

— Ўзаро қарзлар парвозга шайланаётган корхонанинг ҳам қанотини синдиради. Бунга баъзан ўзимиз ҳам сабабчи бўламиз. Бир сўм фойда кўраман деб минг-минг сўмлаб зиён қиламиз. Масалан, рўпарангизда иккита харидор турибди. Бири нақд пулга маҳсулотингизни 10 сўмга сотиб олмақчи, бири насияга 11 сўм беришга рози. Энди ўйлаб кўринг. Нақдига 10 сўмга сотиб пулни айлантириб турганингиз яхшими ёки қимматроқ деб насияга мол бериб, уни оломай ўзингиз қарздор бўлишингиз маъқулми? Кредиторлик шундан бошланди. Мана шунинг натижасида кўпинча давлатдан қарз кўтаришга мажбур бўлинади. Бу ҳам ўз навбатида кўпроқ корхонанинг синишига сабаб бўлади. Хайрият биз бу иллатдан холимиз. Ҳеч қимдан ҳеч қандай олди-бердимиз йўқ. Бизда маҳсулот сотуви ҳам, олуви ҳам нақд.

Кези келганда бир нарсани айтиб қўяй. Дебитор-кредитор деганда мен бир психологик ҳолатни хаёлимга келтирмаман. Бу сўзларни кўп ишлатамиз лекин менимча кўпчилик уларнинг ўзбекча маъносига тушуниб етмайди. Ўзбек тили — бой тил. Шундай экан, дебитор-кредитор ўринга ўзбекча қарз бериш, қарз олиш сўзлари ишлатилса мақсадга мувофиқ бўларди...

Ҳа, ушбу акциядорлик жамияти фаолияти мисолида корхоналарнинг экспорт имкониятлари катталиги яққол кўриниб турибди. Аммо ҳамма гап бу имкониятларни ишга солишда қолган. «Ўзбеккабель»да бунинг уддасидан чиқияпти.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар; ҳиссдорлик жамияти бошқарувининг раиси Хусниддин Тожиев; кабел ўраш цехи; АҚШ технологияси ўрнатилган цех корхонанинг юраги ҳисобланади; оператор — Рауф Ахтёмов иш устида; маҳсулотларни қайта ишлаш цехи бошлиғи Салим Аҳмедов.

Рашид Галиев олган суратлар.

«Орзу» ҳиссдорлик жамияти меҳнаткашлари учун бу йил бир мунча илгариллаш даври бўлди. 1996 йилнинг олти ойи мобайнида 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

— Бугунги кун талаби бошқача, — дея гап бошлади ҳиссдорлик жамияти раиси Аҳтам Ўлмасов, — илгарилари маҳсулотларимиз сотилиши билан унчалик кизиқмасак, эндиликда харидор учун ишлашга ўтдик. Харидорнинг талаби эса қатъий: сифатли, чидамли ҳамда чиройли маҳсулотлар. Мулк шаклининг ўзгариши, корхонанинг ҳиссдорлик жамиятига айланиши бу йўлдаги дастлаб-

Саноат

БИЗ ТИККАН ФУТБОЛ ТҮПЛАРИ

жаҳон майдонларига тушади

ки қадам бўлган бўлса, меҳнаткашларнинг ўз меҳнатлари қадрига ета бориб сон кетидан эмас, сифат кетидан қувишлари ишимизда ижобий томонга ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ишчилар илгариллашлар ўзларининг маошларига ижобий таъсир этилиши, қўлай шарт-шароитлар яратилишига олиб келиши яхши тушуниб олдидлар.

Корхонадаги силжишларни шундан ҳам билса бўладики, улар жорий йилнинг биринчи чорагида 243 минг АҚШ доллари миқдорига тайёр маҳсулотни чет элга жўнатиб, ўрнига чарм хом ашёсини олишди. Бундан ташқари Фарғона сунъий чарм ишлаб чиқариш бўлашмаси, «Ўзбекистон» табиий чарм ишлаб чиқариш корхонасидан, Самарқанд ва Қўқондан хом ашёлар келтирилди.

Шу кунларда жамоа асосан буюртма асосида меҳнат қилмоқда. Улар Республика Халқ таълими вазирлиги буюртмасига биноан ишламоқдалар. Шартномага кўра улар янги ўқув йилига қадар 60 минг донга ўқувчилар сумкасини тикиб беришлари лозим. Бу маҳсулот тез кунларда «Мақта бозори» пештахталарини безайди. Жамоанинг жами 5 та цехида иш бир маромда давом этмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг талабга жавоб бериши бу жамоамизга даромад келтириши табиий, албатта, — дейди қасаба уюшмаси раиси Абдурашид Абдуқодиров. — Даромадга яраша уларнинг дам олишлари ҳам мароқли ўтади. Хумсонда ўзимизнинг «Орзу» деб аталган оромгоҳимиз мавжуд. Бу йил у ерда 350 ишчи-хизматчининг оилавий дам олиши мўлжалланган. Айни кунлар-

Шарифа ИЛЕСОВА.

ида улар оромгоҳнинг сўлим жойларида ўз меҳнат фаолиятларини тикламоқдалар. Ҳиссдорлик жамияти раҳбарияти ва ходимлари бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт эканлигини, фақат ички бозорини маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмасдан, жаҳон бозорига чиқиш, ташқи бозорда ҳам рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини англаб етдилар. Бу йўлдаги ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда Покистоннинг «Племор спортс» фирмаси билан ҳамкорликда «Племор — Орзу» қўшма корхонаси иш бошлади.

Покистон футбол тўплари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Бир йилда Покистонда 36.000.000 миллионга тўп ишлаб чиқарилади. Дунёнинг Франция, Америка, Германия, Япония сингари йирик давлатларининг жуда кўплаб кўзга кўринган фирмалари ҳам Покистон технологияси асосида ишлайдилар.

Биз қўшма корхонада бўлиб Покистоннинг «Племор спортс» фирмаси президенти, «Племор-Орзу»нинг таъсисчиларидан бири Ашиқ Хусайн Аднон билан қилинаётган ишлар, қўшма корхонанинг мақсадлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Қўшма корхона тузишдан асосий мақсадимиз, — деди жаноб Ашиқ Хусайн Аднон, — аввало Ўзбекистонни сифатли маҳсулот билан таъминлаб, сўнгара қикарган маҳсулотимизни чет элга сотишдир. Ҳозир биз бу ерга 4 нафар мутахассис ташриф буюрдик. Ўзимиз олиб келган хом ашё — синтетик чармдан футбол тўплари тикишни бошлаб юбордик. Мураккаб технологияни — яъни асосан қўл меҳнати билан бажариладиган жараённи маҳаллий ишчилар жуда тез, моҳирлик билан ўлаштириб олаётганлар. Бундан жуда мамнунмиз...

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг ишларини кузатиш. Бу ерда асосан 30 нафар ишчи тўп тикмоқда. Уларнинг кўпчилиги ёш йўлғит ва қизлар. Покистонлик усталар Мухаммад Шабир Шо, Мухаммад Халид, Мухаммад Шаҳбозлар уларга тикиш сирларини ўргатишмоқда.

— Мана кўриб турганингиздек тўпларимизнинг сифати, кўриниши аъло даражада, — деб сўзини давом эттирди Ашиқ Хусайн Аднон. — Чунки унинг чарми мустаҳкам, иплари эса сув ўтказмайди. Битта тўп тикиш учун 32 та бўлақ ишлатилади, тикиш чоки эса 700 та бўлади. Унинг оғирлиги 450—500 граммни ташкил этади. Йил охиригача ишчилар сонини 150—200 нафарга етказиш ниятимиз бор. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли ҳам иш билан таъминланади, ҳунар ўрганади, ҳам маҳсулот кўп миқдорда ишлаб чиқарилади, четга чиқариш имконияти кенгайди. Улар ишлаб чиқарган футбол тўплари жаҳоннинг барча ашл майдонларида ўз ўрнини топишига аминмиз.

Транспорт

КАСБДОШЛАРИГА

НАМУНА

моқдалар. Шунингдек, Зиёв Ерматов, Эргаш Тўрабоев, Саидазим Нозимов, Дониёр Зокиров каби чилангарларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Улар ҳар ойда 20-25 та моторни қандалади. Ишлаб чиқариш режалари ортиги билан бажарилибди.

Жамоа 1997 йилнинг ўтган ойларидаги меҳнат кўрсаткичларини яхши уддалади. Ишлаб чиқариш режалари ортиги билан бажарилибди.

Сарой чилангарлари жуда кадрланадилар. 71 нафар чилангар бир тан, бир жон бўлиб ўзларининг касб маҳоратларини намойиш этиб келмоқда.

28 та киши тунги сменада ишлаб таъмирлаш ишлари сифат ва самарадорлигига катта эътибор бериб келмоқда.

Хайдовчилар тили билан айтганда машинанинг «юраги» мотор ҳисоб-

ланади. Бу қисмининг ишлаб жараёни кўпинча моторист-чилангарларга боғлиқ. Ўз касбининг фидо-корлари Бахтиёр Эшонқулов, Акбар Шармонов, Бахтиёр Кенжаевлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички имкониятлардан унмол фойдаланишга инти-

лика доим риюа қилинади, сифатли ва чидамли таъмирлаш ўзаро беллашувлари ўтказилади. Фолиблар қимматбаҳо совғалар ёки пул мукофоти билан тақдирланадилар.

1997 йилнинг 1-чораги бўйича ўтказилган мусобақада Асадулла Зиёев етакчилигидаги чилангар голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

Автокорхонада «миллионер» хайдовчилар ҳам кўп. Масалан, 99-йўналиш автобуси хайдовчиси Саримсоқов, 110-йўналишда машинани бошқарадиган Номозовлар миллион чакрини масофани босиб ўтган ҳақиқий ва маҳоратли хайдовчилардир. Улар кунда 14-16 тадан рейс қилишга улгурадилар. Бу хайдовчилар тежамкорликда ҳам ном чиқаришган. Ахир бир ойда 200-230 литр ёқилги тежашнинг ўзи бўлмас керак. Машаққатларни енгиб, касб маҳоратини ошириб борган хайдовчиларга шундай юқори кўрсаткичларга эришиши ўз-ўзидан маълул.

Бекатларни бир-бирига бехатар туташтиришда Илхом Саримсоқов, Тоҳир Номозов, Николай Шабановлар касбдошларига намуна бўлишмоқда.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

Пўкма

ТАРТИБ

ЎРНАТИПАРМИКИН?

Ҳозирги пайтда шаҳримиз транспорт йўналишида хорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий автобуслар йўловчилар узоғини яқин қилмоқда. Бу нарсани бизни қанчалик севинтирса, «Олой» бозори — «Янгиобод» йўналишидаги 26-автобус қатновиди ҳолат шунчалик ранжитмоқда. Гап шундаки, бу йўналишдаги автобус шалоғи қичқан, бор-йўғи 25-30 нафар одамни оладиган бир эшикли, ўта қўлимсиз, устига-устак ҳар бир тўхташ жойида ярим соатлаб бузилиб қолади. Бу йўналишда қатнов ораси гарчи 20 дақиқа қилиб белгиланган бўлсада хайдовчилар унга бутунлай риюа қилишмайди. Улар ҳар бир йўловчидан 15 сўмдан пул йўғиб олишадди. Патта бериш уларнинг

ҳаёлига ҳам келмайди. Хуллас, 26-автобуста маданий хизматдан нишона йўқ. Ҳамма нарсанинг чеку чегараси бор. Бизга хизмат кўрсатадиган бу йўналишда ҳам тартиб ўрнатилмади деган умиддамиз.

«Янгиобод» мавзесида яшовчи аҳоли номидан 90 ёшли пенсионер

Мирабдулла АБДУКАРИМОВ.

Мулоҳаза

КУНЛАР САЛҚИНЛАШГАНДА...

**Табиат билан қанчалар чамбарчас боғла-
ниб, уни англаб бурсак, онгимиз шунчалар
юксалиб, табиатни муҳофаза қилиш нега за-
рурлигини тулиқ тушуниб борамиз.**

Болалигимда бир қўшнимиз бўларди. Каптар-
ларга жуда ишқибоз эди. Гоҳ-гоҳида полапон
қушчаларни ушлашимизга рухсат берарди. Оғ-
зимизга сув ўлдириб олиб, каптарчаларга бе-
рардик. Улар тумшукларини оғзимизга тикиб, сув
ичганида шодлигимизнинг чеки йўқ эди. Ўша лаҳ-
заларни ҳозир сира ҳам тасвирлаб беролмасам
керак.

Каптарлар ёдимга тушганида табиат бизга бер-
ган улугъ неъмат шу бўлса керак деб ўйлайман.
Чунки ёруғ дунёда нимаки жонзот бор бўлса —
ўсимликми, жониворми, одамларми — бир-би-
рига боғланган. Улар ўз ҳолича яшай олмайдди.
Ўсимликлар бизга кислород, соя-салқин, ризк-
рўз берса, жониворлар ўсимликларга яшаш, ўсиш
учун зарур нарсаларни беради.

Яқинда болаларим билан эски ҳайвонот боғи-
га бордик. Соя-салқин, ҳамма шароит муҳайёдек
туялса ҳам, бир қарашда у ердаги жонзотларга
парвариш жуда зарурлиги сезилади.

Республикамиз ҳукумати энг замонавий талаб-
ларга жавоб берадиган янги ҳайвонот боғи ку-
риш ҳақида қарор қабул қилгани барчамизга маъ-
лум. Ҳозир ишга тушиш арафасида турган бу
боғга кўчиш — ҳодимларнинг асосий масаласи.
Жуда кўплаб контейнерлар тайёрланди. Ҳар бир
жонивор алоҳида-алоҳида кўчирилади. Боғ хо-
димлари билан суҳбатимиздан маълум бўлдики,
кўчиш 1 сентябргача якунланиши керак экан.

Бизни бир масала — иссиқлик ўйлантирмоқ-
да. Кунлар сал салқинлашган кўчиш бошланса,
кўнгилдагидек иш бўларди. Жониворларнинг «кў-
чиши» ҳам, янги жойга ўрганиши ҳам бир мунча
осон кечарди.

Ким ФАТТОХОВ,

Тошкент шаҳар табиатни
муҳофаза қилиш қўмитаси
назоратчиси.

МУАММО

ҚИММАТ, АММО ЗАРҲУР

**Маълумки, ичимлик суви аҳолига ис-
теъмол учун берилишидан олдин бир неча
хил усуллар билан қайта ишланади. Жум-
ладан очик сув манбаларидан олинган сув-
лар коагуляция, тиндириш, филтрация ка-
би босқичлардан ўтади. Шунда ҳам унинг
таркибидagi кўплаб бактерия ва микроор-
ганизмлар сақланиб қолади. Шу сабабли
ичимлик суви зарарсизлантирилади.**

Республикамизда сувни зарарсизлантирувчи
модда сифатида хлор у унинг ҳосиллари ишла-
тилади. Хлор таъсирида сув таркибига кирувчи
моддаларнинг оксидланиши натижасида кўплаб
бактериялар ҳалок бўлади. Бундан ташқари хлор
сувда ўсувчи кўпгина майда ўсимликларни ҳам ку-
ритидади. Лекин кейинги йиллардаги кузатувлар
хлорлаш бир қанча камчиликларга ҳам эга экан-
лигини кўрсатди. Ушбу камчиликлар қуйидагилар-
дан иборат: биринчидан, хлорнинг оксидловчилик
хоссаси нисбатан кучсиз бўлиб, сувга ер таъмини
берувчи ҳужайраларни етарли нобуд қила олмайдди;
иккинчидан, хлор сувда турли хил зарарли хлорли
бирикмалар ҳосил қилади; учинчидан, бу бирик-
малар сув иншоотларидан чиқиб кетмайди; тур-
тинчидан, хлор сувда эриган органик моддалар
билан ҳосил қилган бирикмалари инсон саломат-
лиги учун зарарлидир.

Сувни бактерия таъсирига эга бўлган нурлар
ёрдамида ҳам зарарсизлантириш мумкин. Бунинг
учун ичимлик сувига тулқин узунлиги 200—295 на-
нометр бўлган ультрабинафша нурлар орқали таъ-
сир эттирилади. Бундай нурлар аргон-симобли ва
симоб-кварцли лампалар орқали олинади. Ушбу
усул ҳам республикамизда кенг қўлланилмайди,
чунки сув лойқароқ бўлганида эки унда темир мод-
даси кўп бўлганида бактерицид курилмаларни иш-
латиб бўлмайди.

Ҳўш, шундай экан, юртимизда сувни зарарсиз-
лантириш учун қайси усулни ишлатиш маъқул? Эки
хлорлаш усулини умуман тўхтатиш керакми? Йўқ,
албатта. Сувни зарарсизлантириш маслиҳатли турли хил
эпидемиологик касалликларни келтириб чиқари-
ши мумкин. Шу сабабли хлорлашни аста-секин-
лик билан экологик жиҳатдан безарар усул — озон-
лаш билан алмаштириш лозим. АҚШ, Япония ва
Барбий Европадаги ривожланган мамлакатларда
хлорлаш усули экологик тоза бўлган озонлаш билан
аллақачон алмаштирилган.

Озон бу — уч атом кислороднинг бирикшидан
ҳосил бўлган модда, у осонлик билан атомар кис-
лородга парчаланади. Атомар кислород жуда куч-
ли оксидловчидир. Озонлаш хлорлашга нисбатан
қатор афзалликларга эга. Биринчидан, хлорга нисба-
тан кучли оксидловчи (деярли барча бактерия
ва вирусларни нобуд қилади); иккинчидан, ичим-
лик ва оқова сувлари таркибига муаллақ ҳолда
эриган турли органик моддалар, темир ва марга-
нец тузларини парчалаб юборади; учинчидан,
ичимлик сувининг табиий ҳусусиятларини ўзгар-
тирмайди; туртинчидан, озон хлор каби узокдан
келтирилмай водопровод станцияларининг узидан
олинади; бешинчидан, экологик жиҳатдан тоза,
олиш пайтида зарарли моддалар ҳосил бўлмайди;
олтинчидан, рангдор сувларни озон рангсизлан-
тиради, турли кўшимча ҳилларни йўқотди.

Одатда озон озонаторларда олдиндан курилти-
лган ҳаводан электр зарядлари ўтказиш орқали оли-
нади. Текширувларда ультрабинафша нурлари ва
озонни биргаликда қўллаш катта самара бериши
аниқланган. Бунда сув таркибидagi 99,99 фоиз
вируслар нобуд бўлган. Бундай таъсирни олиш
учун симобли ва кварц лампалар деворлари ора-
сига ҳаво берилган. Ультрабинафша нурлар таъси-
ри остида ҳаво таркибидagi кислород қисман
озонга айлانган. Ушбу усул қолажақда яхши са-
мара бериши мумкин.

Юқоридаги мисоллардан кейин кишида «Бизда
озонлаш усули қўлланилганми», деган савол туғи-
лиши табиий. Афсуски, йўқ. Барча шаҳар ва қиш-
лоқларимиздаги водопровод ва канализация ин-
шоотларида асосан хлорлаш ишлатилади. Озона-
торларнинг йўқлиги, унинг электр қуввати сарф-
лаши, озонатор иншоотининг қимматга тушибди,
узок вақтлар давомида бу усулга эътиборсизлик
билан қаралгани бизда унинг қўлланилмаслигига
олиб келди. Энди ҳал қилинмаган масалаларимиз
юзасидан ривожланган чет давлатларнинг илгор
технологияларидан фойдаланишимиз, хорижий
ширкар билан қўшма корхоналар тузишимиз
мумкин. Шундагина аҳолини ичимлик суви билан
таъминлашда энг замонавий усулларни қўллаш
оламиз.

Нуриддин ЗАХРИТДИНОВ,
геология-минералогия фанлари
номзоди.
Қобил КАРИМОВ,
кимё фанлари номзоди.

**Офтобнинг тафти қайтиб, кунлар ороми-
жонлашиб қолди. Фаввораларнинг зумрад
зарралари қўшилиб эсаётган майин шаб-
боданинг салқини баданларга муздеккина
келиб тегади. Чилланинг иссиғидан жон
саклаш учун ўзини салқин бўғотларга ур-
ган қушлар дарахтларни тўлдириб, чугур-
лашади. Лекин табиат сўлим тортгани би-
лан шахримизнинг бағри барибир қайноқ:
мустақиллигимизнинг олти йиллигига
тайёргарлик шитоб билан олиб бориля-
ти. Қайси кўчага қараманг, ўша ерда янги-
ланиш, яшариш!**

Август — ёзнинг охириги ойи. Сўлим тонгдами, қуёш-
нинг қизғин нурлари дов-дарахт учиди уйнаган оқ-
шомдами шахримизни кезиб кўринг. Газли сув ду-
кчаларининг олдида узундан узун аргамчикдек нав-
бат йўқ. Ҳибонларда, боғларда қузнинг салқин ша-
моди эсаётгандек.

Бозорларда ажиб бир фойз, ажиб бир тароват
бисёр. Минг бир хил номдаги тармеваалар, ширин-
шакар қовунлар, тарвузлар, сабзавотларни кўриб, кў-
зингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Бейхитёр турфа
ноз-неъматларни бағрида титилтирган она заминга,
олтин баға шукроналар айтиди киши. Лекин шунда
гузалликлар билан бир қаторда дилни хижил қила-
диган манзаралар ҳам йўқ эмас. Мен фақатгина ҳар
қуни йўлим тушадиган Эски шаҳар бозорида қузим
тушганини айтиб ўтмоқчиман.

Покизалик

ЯШАШ ТАРЗИМИЗ БЎЛСИН

Пишқичлик дедик. Тирикчиликнинг айби йўқ: ҳар
ким томорқасида, боғчасида етиштирилган узуму
шафтоли, сабзоти бодиринглари бозорга олиб чиқа-
ди. Деҳқоннинг билими зўр: чедакнинг тағига узум
барғи солиб, кейин ҳосилни авайлаб жойлайди. Тўл-
гандан кейин яна устидан барғ билан ёпади. Шунда
узум кўлда ўзини йўқотмайди.

Бир ҳола узумини сотиб бўлди. Икки чангал бар-
ни ташлаб, челакини кўтариб йўлга тушиш тадориги-
ни кўрди.

— Шукр, дарровгина сотиб бўлдим, — деди у қўш-
ниси анжир сотаётган келинга.

— Узумингиз янги узилганда, одамларга ёқди, —
деди келин ҳам, — манови тоқ барглари ахлат кўти-
сига ташлаб кетарсиз...

— Кутисини қаердан кидираман... Сугурувчи хо-
тин олар... Сиз ҳам анжир барглари ташлаб кета-
сиз-ку.

Келин нима дейишини билмай, атрофга кўз югу-
ртди. Бахтта қарши ахлат кутиси кўринмасди...

Энди ҳисоблайлик: бир кўнда юз чоғли одам ўз
молини сотсин... Салкам ўн-ийгирма боғ ҳашак боз-
орда қолади. Хонимчилар бор, сомсапазлар бор...
Одамлар таомларни қозоғга ўраб ёб, қозонини бир
четта ташлаб кетаверишади. Ахлат кутисини излаш-
га сарб борми?

Пишқичлик озодагарчилик билан уйғун бўлса қан-
дай гузал манзара кашф этилади.

Бозорда беш-ўн ерга ахлат кутиси қўйилса бўл-
масмикми? Ахир фаррошнинг ҳам меҳнатини иззат-
лаш керак-ку? Боз устига бозорга тоқ баргини таш-
лаб кетган аёл ўз ҳовлисида шу ишни қилмаса ке-
рак. Ахир шаҳар бировники эмас-ку! Уни ҳам ҳовли-
ни эъзозлагандек эъзозлаш шарт.

Эски шаҳар ҳозир таъмирланыпти. Бир-икки йил-
дан кейин қўлингиз ўргилсин улар қад кўтаради. Бо-
зорнинг Қодирий боғига чиқавериш томони ҳам би-
тади. Ушунда ҳам бозорчиликнинг қилавериши-
ми? Фақат тўл бўлса басми?

Шу ҳолат Олой бозорида йўқ деб ким айтаолади?
Эки Миробод, Қўйлик, Қорасув, Фарход, Ипподром
бозорида ҳамма нарсаси кўнгилдагидекми?

Ватан уйнинг остонасидан бошланади. Бозор ҳам,
ҳар қуни сугуриб-сидирадиганимиз ҳовлимиз ҳам Ва-
танининг бир бўлакчаси. Уларни озода, покиза сақла-
сақ, бутун диёримизни ҳам тоза сақлаймиз. Чунки
«қуш уясида қурганини қилади». Ишқилиб ҳамшаҳар-
ларимиз «ўз уяларида — хонадонларида» яхши нар-
саларни қурган бўлишсин.

Ерга бир туп райхон экиб, уни парваришлаш ҳам
Ватанини севишдир. Ҳар қуни остонани сугуриб, по-
кизалаб қўйиш, сув сегиб орасталаш — Ватанини се-
вишдир.

Покизалик — дилимиз хоҳлагани бўлсин. Ўзингиз
бир уйлаб кўринг: ҳар қадамда чикинди, ҳар қадамда
дилхиралик учраса хурсанд бўласизми? Йўқ, албат-
та!

Шу ўринда «Экосан» халқаро саломатлик жамғар-
масининг ташаббусига таҳсинлар ўқимок жоиз. Уни-
нг буюртмаси билан 12000 та темир қўтилар тайёр-
ланиб, шахримиз туманларига тарқатилди. Дастлаб-
ки 100 донга темир қўти эса Юнусобод туманига топ-
ширилди. Ҳамма гап ана шу қўтилардан ўз ўрнида
самарали фойдаланишда қолган.

Қўтиларимиз — айниқса, Юнусобод, Қорақамиш
мавзелирида чивин кўпайиб кетганидан шикоят
қиламиз. Ўзингиз ўйланг: тоза, озода ерда хаша-
рот бўладими? Улардаги лоқайдлик бор экан, ўша
ерда паушаю чивин гужгон уйнайди. Шикоят би-
лаш иш битмайди.

Ез тугаяпти. Қуёш ҳам энди тонгда анча кечроқ
юз кўрсатиб, кечқурун вақтларок ботаяпти. Бу:
«одамлар шошилиб, ҳадемай ҳазонрезги бош-
ланади. Кейин «қор ёғиб, излар босилмасин!» де-
гани. Қор ёғиб излар уч ой босилар, лекин яна
баҳор келиб, ҳаммаёқни қордан ҳоли қилади. Ло-
қайдлигимизни «кўз-кўз қилади».

Ҳамшаҳарларимиз, азиятбодларлар! Табиат —
бу заррадан тортиб энг улкан кўшгача — табиат.
Уларнинг барчаси инсон хизматида — бизнинг
хизматимизда. Биз ҳам табиатнинг хизматини чин
дилдан баҳолайлик: унинг бағрини гуллатайлик
яшатайлик!

Покизалик, озодагарчилик — яшаш тарзимиз
бўлиб қолсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

**Ҳозирги кунда шахримиздаги барча туман-
лар қатори Ҳамза туманида ҳам Мустақилли-
гимизнинг олти йиллиги олдида ободонлаш-
тириш ишлари жадал суръатда олиб борил-
моқда. Туман ободонлаштириш бошқармаси-
нинг бошлиғи Нигматулла Охунжонов билан шу
ҳақда суҳбатлашдик.**

— Туманимиздаги обо-
донлаштириш ва кўка-
ламзорлаштириш ишла-
рини яхши йўлга қўйиш-
да нафақат бошқарма
ишчи-хизматчилари, бал-
ки маҳалла фаоллари,
хонадон эгалари фаол
иштирок этишмоқда. Шу
маънода йилимизнинг
ўтган даври давомида
биргина кўкаламзорлаш-
тириш ишларини олиб
боришда корхона ва таш-
килотлардан ташқари Ак-
мал Икромов, Аҳмад Яс-
савий, Умид, Гулистон,
Зебо Шамсутдинова,
Тарнов-Боши маҳалла-
лари кўмаги ёрдамида 12
минг донга мева ва ма-
нзарали дарахтлар
экилди. Мавжудларига
ишлов берилиб, тағлари
юмшатилади. Шамсутди-
нова, Умид ва Гулистон
маҳаллаларида эса бўш

ётган ерлар обод қилиниб,
боғлар, теракзорлар яра-
тилди. У ерларга экилган
кўчатлар гуркираб ўсиб
турибди.

ОРАСТАЛИК ҚАНДАЙ ЯХШИ

Ирригация тармоқлари
ва сув шохобчаларини жо-
рий таъмирлаш учун
Кадишев ва Чўлпон кўча-
ларида 558 минг сўмлик
— 148 погон метр янги те-
мир бетон ариқлари ўр-
натилди. 24 погон метр
темир қувурлар эса
таъмирланди. 43 кўчада
кўча ва йўлқаларни
таъмирлаш ишлари амал-
га оширилиб, 10941,1

метр квадрат ҳажмдаги
иш бажарилди.

Гоголь, Ҳамза, Абдулла
Тўқай, Охунжонов кўча-
ларида ариқлар ва қувур-
ларни тозалаш ишларида
бошқарма ходимларига
истиқоматчилар яқиндан
ёрдам беришаётир. Бу
йумушларнинг бажарилган
умумий ҳажми 42379 по-
гон метрни ташкил этади.

Йиллар ўтиб бориши
билан дарахтлар ҳам ке-
сайиб уларнинг кўпчили-
ги қурий бошлади. Шу
боис Фарғона йўли, Ло-
бачев, Боткин, Боку,
Умарбеков, Охунжонов,
Ҳамза кўчаларидаги 200
дона дарахт қўчириб таш-
ланди. Уларнинг айримла-
ри ёнидан ёш ниҳоллар
жой олмоқда. Туман ҳу-
дудидида санитар ҳолатни
яхшилаш, экология мусоф-
фолигини барқарорлашти-

Ободонлаштириш

риш мақсадида ахлат
уюмларини қамайтириш-
ни эътиборга олган ҳо-
да иш тутаяпти. Бунинг
учун 12 та автотранспо-
рт хизматга қўйилган.

Айни кунларда Муста-
қиллигимизнинг олти
йиллиги муносабати би-
лан ободонлаштириш ва
санитария тозаллиги ик-
ки ойлги ўтаяпти. Шу-
нинг учун қўшимча иш
жадвали ва ёрдамчи ав-
тотранспортлар ташкил
этилди. «Умид», Зангори,
Майна Ҳасанова кўча-
ларидаги айрим ахлатхо-
налар бутунлай олиб
ташланди. Айрим
жойларга эса махсус ах-
лат қўтилари ўрнатилди.

Бу ишларни амалга оши-
ришда туманимиздаги
барча истиқоматчилар,
маҳалла фаоллари ишти-
рок этишмоқда.


Бошқарма ходимлари
маҳаллалар билан ҳам-
корликда ишларни яхши
йўлга қўйганлиги ту-
файли самарадорликка
эришилмоқда.

Суҳбатдош

Гулзода МАМБЕТОВА.



№ 7 (68) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Ёз ойининг қуёши тобора мулоимлашиб бормоқда. Шаҳардан ташқаридаги яшил адирларда ҳам, шахримиздаги
ҳибонларда ҳам бу яққол сезилиб турибди. Мулоим ҳаво ёзнинг малохатига малохат қўйиши тайин.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Назм

ЁЗГИМ КЕЛАДИ

Ёзнинг фазилатини,
Чаманда зийнати,
Илҳом илҳос билан
Ёзгим келади, ёзгим.

Дарёлар шарқирашин
Тонгларнинг ярқирашин
Дилдаги эъзоз билан
Ёзгим келади, ёзгим.

Шамоллар гир-гирини,
Бутдойзор-у қирини —
Ҳосили асос билан
Ёзгим келади, ёзгим.

Ҳар сўзга меҳрим
қўшиб,
Минг қувониб, минг
жўшиб
Қалам отлиқ соз билан
Ёзгим келади, ёзгим.

Гулдай шөг'рим ёзилса,
Уқиган дил ёзилса,
Яйрашиб ҳамроз билан
Ёзгим келади, ёзгим.

Қушлар эрта уйғониб,
Сайрашар
қониб-қониб.
Қушлардай парвоз
билан
Ёзгим келади, ёзгим.

ПўЛАТ МЎМИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ХУМСОН ҲУЗУРИ

Ҳар ёз чиқаман
Хумсонни қўмсаб,
Тортар ўзига
Меҳрга ўхшаб.
Олиё тоғларга
Тўшадиган йўлак,
Гўё жаннатдан
Бир парча бўлак.
Кўёш чикарда
Викторли Олой,
Тунда аримас
Осмоғидан ой.
Тинимсиз ва шўх
Дарё шовулар,
Қирғоқларида
Чаман ловулар.
Эркалагандай
Она халқини,
Берадир ҳузур
Хумсон салқини.
Бу макон кинни
Эгитмаган ром,
Чарчаган қалблар
Олар-қу ором.
Борим ё унда
Бирор муҳнжа?
Ох-оҳ, сувларни
Шайфосқ, покиза.
Ундаги ҳаво,
Айнинг қайда бор?
Бир бор шимирган
Бўлардай хумор.
Бўлақча бўлар
Айни ёз чоғи,
Бунчалар сулува
Хумсон кучоғи?
Мен хуммонингман
Бор бўл, эй, Хумсон.
Жон-у танларга
Шифобахш макон.

ИССИҚ КУНЛАРИМ

Иссиқ кунларим,
Эй, саратоним,
Олов пурқовчи
Гўё сандоним,
Темирларни ҳам
Эритгундайсан,
Губорларимни
Аритгундайсан.
Қўёш элимга
Колгандай яқин,
Қалбимдан чиқар
Қувончлар чакин.
Гоҳо сув бўлиб
Терлаётirman,
Қайноқликка дош
Бераётirman.
Шуғ'лалар ичра
Товландим роса,
Очигин айтсам
Товландим роса.
Оташларингда
Чиникқандайман,
Иссиқ жангидга
Зўр чиққандайман.
Совуқликлардан
Иссиқ яхши-да,
Ҳузур-ҳаловат
Этар бахшида.
Унинг ҳикмати
Боғбондан сўра,
Болга айланар
Шоҳдаги гўра.
Этавер давом
Эй, иссиқ куним,
Бўлсайди ана
Юртим серунум.

**Табиатни муҳофаза қилишдан ҳам муҳимроқ юмуш бўлмаса ке-
рак. Чунки табиат ҳимояси фақат бизнинг соғлиғимиз эмас, балки
болаларимиз, невараларимизнинг эртасини ўйлашдир. Эртага улар
қушлар сайроғидан, ирмоқларнинг шарқирогидан баҳраманд бўла-
диларми, йўқми — буни бугун ўйлашимиз керак.**

Бундай олижаноб ниятни амалга
оширишда прокуратура ҳамда шаҳар
табиатни муҳофаза қилиш қўмитасини-
нг ҳамкорлиги намунали бўлмоқда. Йил
бошидан бери қўмита назоратчилари
ҳамда прокуратуранинг ҳудудий бўли-

Экология

АТРОФИ МУҲОФАЗА ҚИЛИБ

малари ходимлари шаҳарнинг 45 кор-
хонасида текшириш ўтказдилар. Бир
қатор корхоналарда табиатни муҳофа-
за қилиш талабларининг қўпол равиш-
да бузилганлиги шохиди бўлди. 60 дан
зиёд мансабдор шахсларга жарималар
солинди. Улар табиат муҳофазасига со-
вуққонлик билан муносабатда бўлиш-
нинг оқибатини ўз чўнтақларида синаб
кўрадилар: уларга 750 сўмдан 3750 сўм-
гача миқдорда жарималар солинди.

Прокуратуранинг О. Чуватова, Р.
Алиева, С. Давлатшина, А. Жалилов
сингари ходимларини шахримиз эко-
логлари жуда яхши биладилар,
қатъийлиги, ҳалоллиги учун ҳурмат қи-
ладилар.

Афсуски, кўпгина раҳбарлар она диёр-
имизда табиатнинг муҳофазасига
масъулият билан муносабатда бўлма-
дилар. Ёзда ўтказган текширишларимиз-
да маълум бўлдики, «Агрегат заводи»,
«Дон-нон» ҳиссадорлик жамиятларида —
гарчи улар экологик нуктаи назардан
яхши деб қаралса ҳам — сувдан ҳўжа-
сизликларча фойдаланишдан, чанг, газ
тозаловчи ускуналарнинг носозлиги, ку-
дукларни ишлатиш юзасидан рухсатно-
малар йўқлиги маълум бўлди. Оқибат-
да бош механик А. Бадалов, цех бош-
лиғи М. Тороп («Агрегат заводи») ҳам-
да «Дон-нон» ҳиссадорлик жамияти ди-
ректори А. Салимовни маъмурий жа-
вобгарликка тортишга тўғри келди.

Йилнинг иккинчи ярмида шаҳар про-
куратураси ва табиатни муҳофаза қи-
лиш қўмитаси ҳамкорлигида ишларни
давом эттирадилар. Умид қиламизки,
корхоналардаги мутасаддилар, ишчилар
прокурор ва назоратчиларнинг кели-
шини қўл қовуштириб қутиб турмасдан,
шаҳримиз экологик ҳолатини я

ПОЙАБЗАЛГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Ҳозирги шароитда янги оёқ кийими сотиб олаверишга ҳар доим имконият етмайди. Шу боис бироз тўзиган пойабзални қўлимиздан келганча орасталаб кийишга тўғри келади. Қуйида пойабзални қандай тозалаш ва янги ҳолга келтириш ҳақида баъзи маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳар куни кўчадан кел-маъқул. Оёқ кийимларигач, оёқ кийимини чанг-ни яхшиси алоҳида қар-губордан тозалаб, мах-тон кутилларда сақланг. сус мой билан ёғлаб кўйиш қийин эмас. Пойабзалга ўтириб Пойабзал мойи оёқ қолган ноҳуш ҳидни йў-кийимини юмшоқ қила-қотиш учун водород пе-ди, қуруқшаб ва намси-роксидидан фойдаланиш раб қолишдан сақлайди, лозим. узоққа чидайди.

Агарда оёқ кийимин-доғни бензин ёки пиёз-гизга нам ўтган бўлса, суви билан кетказсангиз қуйидагича қуритишин-бўлади. гиз мумкин: юпқа қоғоз-ни ичига иложи борича Тақир бахмалдан қи-кўпроқ тикиб қўйинг. Қо-линган оёқ кийими бугга-роз намни тортиб олади. озроқ тутилиб, сўнг мах-сус чўткада тозалангани

Пойабзалдан вақтинча маъқул. Агар у жуда ҳам фойдаланиш зарурати кирланиб кетган бўлса, бўлмаса уни яхшилаб совули сувга озроқ нов-тозалаб, крем суртган шадил спирти қўшилиб тозаланари.

Пойабзалдан вақтинча маъқул. Агар у жуда ҳам фойдаланиш зарурати кирланиб кетган бўлса, бўлмаса уни яхшилаб совули сувга озроқ нов-тозалаб, крем суртган шадил спирти қўшилиб тозаланари.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.

Гивеваллик — иллат

Фойдали тadbир

Республикада гивевалликка қарши кураш-га эътибор қўйилган. Мирзо Улуғбек ту-мани ҳокимлиги куни кеча туманда гивеваллик ва ичкиликбозликка қарши кунини ўтказди. Шу мақсадда шаҳар Саломатлик, СПИД марказла-ридан, наркология хизматидан бу ерга маъруза-чилар таклиф қилинди. Йиғилишда туман маҳал-лалари оқсоқоллари, ички ишлар, ҳунар билим юртларининг ходимлари, корхона раҳбарлари, вояга етмаганлар назоратида турувчи оилалар иштирок этди.

Туман ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаган-лар билан ишлаш хайъатининг раиси Илҳом Ра-сулов ёшлар ўртасида гивеваллик, ичкиликбоз-лик ва турли хил жиноятларнинг олдини олиш, бу ишда ота-оналар ва жамоатчиликнинг ишти-роки ва масъулияти ҳақида тўхталди.

Йиғилишда шаҳар Саломатлик марказидан ба-дийий ҳужжатли видеофильм олиб келиб кўрсат-илди. Унда гивевалликнинг, ичкиликбозликнинг иллатлари очиб берилган бўлиб, бу йўлга қариб қолишдан эҳтиёт бўлиш даъват этилади.

Дилдора РИХСИЕВА,

Мирзо Улуғбек тумани вояга етмаганлар билан ишлаш хайъатининг масъул котиби.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ
БОШҚАРМАСИ
6-КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ
1997—1998 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙДАГИ
МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

1. Яққа бюртмалар тикувчилари — тадбиркор
 2. Кенг ихтисосли сартарошлар
 3. Ошпаз-кандолатчи — тадбиркор
 4. Холодильник тузатиш усталари
- Билим юртига 9-11-синф ҳажмида маълумотга эга бўл-ган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.
- Ўқиш муддати 1 — 2 — 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 1375—1717 сумга стипендия билан таъминланадилар:
- Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади:
1. Тутилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт
 2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат
 3. Соғлиги ҳақида маълумотнома
 4. Турар жойининг маълумотнома
 5. Ота-онасининг иш жойининг маълумотнома
 6. Таржиман хол
 7. 6 донга фотосурат (3х4 ҳажмида)
- Билим юртининг манзили: 700098, Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, 1/2-Корақамиш даҳаси, 20-уй, 42, 43-автотрол, 27-трамвайнинг «МАКТАБ» бекати. 10, 25-троллейбусларнинг, 18-трамвайнинг «ОХИРГИ 1/4-КОРАҚАМИШ БЕКАТИ».
- Тел: 48-68-59.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар уюшмаси ташкил этилиб, яқинда унинг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Янги уюшманинг мақсад ва вазифалари хусусида унинг раҳбари Рихси Солиҳжаева билан суҳбатлашдик.

— Уюшмани ташкил этишдан қандай нати-жалар кутилмоқда?

— Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар уюш-масини тузиш республи-камиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаёт-ган ислохотларга салмоқ-ли ҳисса қўшади. Бу та-шаббустан мақсад авва-ло юртимиздаги барча тиббиёт масканларида меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларининг мавқеини кўтариш, бу бо-рада уларнинг касб мала-каларини ошириш, хори-

сақлаш вазирлиги томо-нидан тиббиёт ўқув юр-тлари раҳбарларининг Жа-ҳон соғлиқни сақлаш таш-килотининг «Лемон» дас-тури бўйича йиғилишлар-ини ташкил этишдан мақсад ҳамшираликка ўқитиш дастурларини қайта кўриб чиқиб, наза-рий билимларни амалиёт билан боғлаб фаолият кўрсатаётган ҳамширалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланишдир. Чунки малакали, замон талаби-га жавоб бера оладиган мутахассисгига келажақда

Саломатлик

ЭНДИ БЕМОРНИ
ҲАМШИРА ДАВОЛАЙДИ

жий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ахборотлар алмашиб туриш ва энг асосийси беморга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга эри-шишдир.

Шу пайтга қадар ҳам-ширага иккинчи даража-ли мутахассис сифатида қараларди. Аслида эса тиббкий хизмат кўрсатиш жараёнида бемор билан шифокорга қараганда кў-проқ ҳамшира мулоқотда бўлади. Шундай экан, хо-ҳайимизми-йўқми асосий ишни бажарувчи барибир ҳамшира бўлиб чиқмоқда. Унинг мавқеини ошириш эса жуда катта ижобий натижалар беради. Шунинг назарда тутилган ҳолда келажақда тиббиёт муассасаларида бўлим мудири-лари ҳозирда бўлгани каби шифокорлардан эмас, балки ҳамширалардан тайинланиши мўлжаллан-моқда. Бундай тузилма жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аллақачон йўлга қўйилган.

Бу борада маълум қа-дамлар қўйишга ҳам эри-шилди. Хусусан, респу-бликамиз вилоятларидаги соғлиқни сақлаш бошқар-маларида ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институ-ти клиникасида менежер ва ҳамширалик иши бўйи-ча бош шифокор ўринбо-сари лавозимини кирити-либ, уларнинг вазифа ва ҳуқуқлари кенгайтирилди. Малакали ҳамширалар бўлим бошликлари этиб тайинланди, бунда шифо-корларнинг баъзи вазифа-лари, жумладан қон бо-сим, пульснинг ўлчаш, пальпация, перкусия ва бошқаларни ўрта тиббиёт ходими бажаради.

— Қизиқ, агар тиб-биёт муассасалари бў-лимларида ҳамшира мудирига қилса, асо-сий ишни ҳам ҳамшира бажарса, унда шифо-корга ҳоҳат қолмайди-ку?

— Шифокор ҳам иш-лайверади, фақат энди у ҳамшираларга лозим бўл-ган ҳоллардагина масла-ҳат бериб туради. Асосий иш энди даволаш эмас, балки илм билан шуғул-ланиш бўлади. Шифохо-нага фақат белгиланган маълум вақтларда келиб туради.

— Ўрта тиббиёт хо-димлари фаолиятидаги бу қадар чуқур ислохот-лар ҳамшираларни таёрлаш, малакалари-ни ошириш ишига ҳам салмоқли ўзгаришлар киритилиши табиий...

— Албатта. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

Суҳбатдош
Абдумалик
АБДУРАХМОНОВ



Меҳр-муруват кўрсатиш, хайрия ёрдами бе-рий борасидаги «Кока-кола» компаниясига хос бўлган саховат ҳақида ҳар қанча гапирса ар-зийди.

Ахир улар куни кеча шаҳримизнинг Навоий театри майдонида ўзига хос театрлаштирилган «Кока-кола» тadbирини ўтказишган, унда ёзининг жазирама бир кезида беш мингдан зиёд бола-лар ва катта ёшдагилар-ни аjoyиб чанқовбосди ичимлик суви билан сийлаган эдилар.

Мана энди улар нав-батдаги яна бир хайрли тadbирни ўтказишди. Антонина Хлебущкина номидаги 22—Меҳрибон-лик уйида тарбияланаёт-ган болалар учун шаҳри-мизнинг сўлим гўшала-ридан бири бўлмиш «Тошкентленд» боғидаги тadbирда болалар фа-катгина «Кока-кола» би-

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

лан сийланишмади, бал-ки улар эрталабки аjoyиб иссиқ нонушта,



милишлар ва энг муҳими аjoyиб совғалар — «Ко-ка-кола» рамзи туширил-

тушки ва кечки овқатлар билан меҳмон қилинди. Атракцион ўйинлар, «ак-вобогда» маза қилиб чў-

ган аънаваный костюмлар, ҳамма-ҳаммаси болаларда бир умрга унутилмас таас-сурот қолдирди.

— Болаларнинг хотира-си одамни лол қолдиради. У худди китоб сингари ҳамма воқеаларни ўзига қамраб олади, — дейди компания менежери Жа-ҳонгир. — Ана шу китоб са-хифаларида янада кўпроқ қувончли ва эсда қоларли воқеалар битилиши учун биз болаларимизга худди шунга ўхшаш байрамлар-ни тез-тез уюштиришимиз керак. Ахир бола кулса — бутун олам кулади-ку! Ва албатта ҳамма билан бир-галикда «Кока-кола» ҳам кулади...

Саид БОТИРОВ.
СУРАТЛАРДА:
«Тошкентленд» боғида болаларга уюштирилган саховат тadbиридан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Сарлавҳани ўқиб ажабланманг. Орзуга ай-йўқ. Увайсий номли 104-ўрта мактабда фао-лият кўрсатаётган «Умид» театр гуруҳи юр-тимиз мустақиллиги билан баробар тетапоз бўл-ган.

Шухрат Ғофуров ба-дийий раҳбарлик қилаётган ижодий гуруҳининг беим-нат хизматидан сергели-ликлар миннатдор бўли-шяпти. Яқинда Тошкент вилоятининг Чиноз туман-ида ўтказилган маъна-вий кунда «Умид» театр ижодкорлари «Алишер Навоий» спектаклидан парча кўрсатишди. Шунин-

гдек, қашқадарёлик мар-ҳум драматург Илҳом Ҳасановнинг «Бир кам дунё» спектакли ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Шухрат Ғо-фуров, Шухрат Нуралиев,

Дилобар Мўминова, Муно-жот Сатторова, Нилуфар Ҳакимовалар ролларни ма-ҳорат билан ижро этдилар. Шундан сўнг Оҳангарон шаҳар меҳнат ахли ҳам

кўшиқлари дилларга заъ-шавқ бағишлади. «Амир Темур», «Алишер На-воий», «Нурхон», «Тўйлар муборак», «Бир кам дунё» каби спектакллар театр дастуридан ўрин олган. Туман ҳокими Мидхат Йўлдошев театр ижодий гуруҳига ишонч билдириб, «Сергели театри келажақ-да маънавий маркази бў-лиши шубҳасиз», деди. Бу ишонч бизнинг ижодий изланишимизни янада илҳомлантиради.

Абдунаби ОРИПОВ.

СЕРГЕЛИ ТЕАТРИ

- Адаг нечта?
- Иккита.
- Ойинг-чи?
- Иккита.
- Бобонг нечта?
- Тўртта.
- Бувинг-чи?
- Тўртта.

Бизнинг оилавий аҳ-волимизни билган одамларнинг мен билан муносабатларини эс-лайман, улар завқланиб кулишарди. Тақдир та-лар, қозоси билан ўз ота-онам ажралишиб, бир оз вақтдан кейин бош-қа-бошқа турмуш қу-ришган. Ўшанда мен ик-ки яшар эканман. Мен эсимни таниб отамни-кида ҳам, онамникида ҳам яшайдиган бўлдим.

Йиллар ўтиб отам то-мондан икки, онам то-мондан уч укалик бўл-дим. Давр тақозоси ке-либ ўз отам ва ўғай онам бирин-кетин ҳаёт-дан кўз юмишди. Минг афсуслар бўлсинки, фарзандни ўстириб ро-ҳатини кўриш уларга на-сиб қилмади. Ўғай онам, «худо раҳматига олган бўлсин» аjoyиб аёл эди. Мени бирор марта бўлсин турткилаганини билмайман. Ҳамма вақт кўзларидан меҳр ёғилиб турарди. Укаларим ёш бўлишиб, ўғай отамни-кига олиб келдик. Ои-лада қадр-қиммат анча устун тургани учунми кўнгилсизлик бўлмади. Ёмон қабул қилишмади. Ўғай отамни «ада», оймларни «ойи», дейишди. Бир ота ва бир онанинг фарзандла-

ридек вояга етишди. Ака-укаларим оилани, келин-куёвни, пири бадавлат бў-либ кетишди. Улар ора-сида бахти кенг қанот ёз-магани мен эдим. Оила қуриб чамаси ўн йил де-ганда бир қизчалик бўл-дик. Қизим вояга етиб, куёвли, неварали бўлган-нимизда кўнгилсиз кунлар яна бошимга тушди — суянчигим, рафиқам ҳаёт-дан кўз юмди.

дили эди. Ўғил мен ўйла-ганча бўлиб чиқмади. Бир сўзи икки бўлишини ис-тамасди. Рўзгор ташвиш-лари уни мутлақо қизиқ-тирмасди. Ҳаммаданам ёлғонни дўндириши қизиқ эди. Бир кун диванга со-лингган кўрпачани қоқиб — текислаб сола туриб кўр-пача тағидида паспортни кўриб қолдим. Олиб қарасам ичида етти юз сўм пул. Жойига қўйиб

қолди. Эрталаб нонушта-да бўлсин, тушлигу кеч-курун об-овқатда бўлсин худди игна устида ўти-рандек.

... Бир фалокат сабаб мен тўшакка михланиб қолдим. Келин ҳам қиз-часи билан бетобланиб, бизларга қаровчи бўл-май, уйларида бориб да-воланишларига тўғри келди. Ўғил бирор ҳаф-та уйга келиб турди. Кейин қорасини кўрсат-май кетди. Хайриятки онаси бир кун ишлаб, бир кун дам оладиган ишга ўтди. Ишдалиқ ку-ни олдимга еяр-ичарга ул-бул қолдириб кетади. Шу алфозда куни бўйи бир ўзим ётаман... Хай-рият келимин, набирам соғайиб қайтишди. наби-рамиз хонадонга фойз бағишлади... Ўғлим эса ўз отасиникида, қораси-ни кўрсатмади.

Телевизорда бўлсин, радиода бўлсин, эрта-ларда бўлсин одатда ўғайларнинг пешонасига тавки лаънат ёпиштири-лади. Таъна тошларини-нг аксарияти ўғай ота билан ўғай онага отила-ди. Менинг гуноҳим ни-ма — билолмайман. Ле-кин бир нарсани айтиш-ни жуда-жуда истайман: «Қарс икки қўлдан» де-ган ибора ҳақ экан. «Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан менингдек» деган ҳикматни бир лаҳ-за ҳам унутмайлик.

Жаҳонгир
АБДУБАКИРОВ,
меҳнат ноғирони.

турмуш чорраҳаларида
ЎГАЙ

Ёлғизлик осон эмас экан. Рафиқам ўрнида бошқа ҳеч бир аёлни кўр-гим келмасди.

Бир кўшнимнинг онаси: — Қийналиб кетдингиз, одамнинг иссиқ-совуғи-ю, ётар-турари бор. Бундай қилманг. Битта-яримта мўмин-қобилга уйланинг. Бир аёлни кўзлаб юрип-ман. Бир ўғил билан бош-панасиз, борар жойи йўқ. Ижарага яшаб келади. Жилла бўлмаса савобли иш ҳам қилиш керак-ку... — деди.

Истараликкина, ҳара-катчан, меҳнаткаш аёл экан. Хонадон нурга тўл-ди, фойз-тароват ўзгача. Уйимиз атрофида кички-на боғчамиз бўлиб, боғ-чадаги ишлар унинг жону

қўйдим. Худди шу куни ишдан эртароқ келиб қол-ди. «Нечук?» дедим. «Ки-нога бормоқчи эдим, рух-сат сўрагани келдим», де-ди. «Телефон қилиб қў-я, қолмабсан-да» дедим.

Ўғил кетди. Ҳаёлимга пул келиб, бориб қарасам, пул йўқ. Нега келганини тушундим.

Қўни-қўшнилари «Қа-лайсиз, келин қўлидан чой ичадиган пайт ҳам ке-либ қолди-а» деб гап ташлашарди. Ҳар ҳолда ўғайлигига борди деган иснодга қолишни мен ҳам истамадим. Буни қаранг-ки келин ҳам дарров то-пила қолди.

Умр дегани оқар сув экан... Неварали ҳам бўл-дик. Ўғил ўша-ўшалигича

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълолар 133-28-95,
132-11-39.
факс (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба
ва Ҳама
кунлари чиқади.
Ҳафтасида
64690

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонга мурожаат
қилишингиз мумкин.